

Демак, бир вақт келиб, шунчалар катта ҳажмга эга бўлган, ёғдуси биз тасаввур қила олмайдиган кенгликка таралиб турган, ўзидаги иссиқлик қуввати ила сон-саноксиз нарсаларни манфаатлантириб турган Қуёш букланиб, ўралиб, тўплаб қўйилар экан. Ояти каримадаги таъбирдан бу ишнинг ҳеч қандай куч-қувват, уриниш, ҳаракат сарфламай амалга оширилиши билиниб турибди. Бу эса, ўз навбатида, қиёматни қоим қилиш Аллоҳ таоло учун нақадар осон иш эканини билдиради. Зотан, мазкур улканликларга эга бўлган Қуёшни шундоққина ўраб, йиғиб қўйиш у кундаги кўплаб ишлардан арзимаган бири, холос.

????? ????? ?????????? ?????? ?????, ?????????? ?????????? ?????????? ?????????? ??
????????????? ?????????? ?????????!

????????? ??????????